



1 - Бизга ўлдиргандан сүнг (яна) ҳаёт берган Аллохга ҳамд бўлсин.
Қайтиш унгадир! (Бухорий ва Муслим ривояти).

2 – «Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз (Зот)дир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники ва У барча нарсага қодир. Аллоҳ покдир. Ҳамд Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга ҳеч бир ҳақ илоҳ йўқ. Аллоҳ буюкроқдир. Ҳаракат ҳам, кудрат ҳам ёлғиз, Олий ва Улуғ Аллоҳ (мадади) биландир. Парвардигоро, мени мағфират қил».

Ким шундай деса, мағфират қилинади. Дуо қилса, ижобат бўлади.
Агар туриб таҳорат олиб намоз ўқиса, намози қабул бўлади. (Бухорий ва Ибн Можа ривояти).

3 - Менинг жисмимга соғлик ато этган, менга руҳимни қайтарган ва Ўз зикрига изн берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. (Термизий ривояти).



4 - Осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмасиб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар борлиги шубҳасиздир. Улар



турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): «Парвардигоро, бу (борлик)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан. Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асра. Парвардигоро, албатта Сен кимни жаҳаннамга киритсанг, муҳаққақ уни расво қилурсан ва бундай золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. Парвардигоро, албатта биз «Парвардигорингизга иймон келтирингиз!», - деб иймонга чорлаган жарчи (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) нидоларини эшитдигу иймон келтирдик. Парвардигоро, Бизнинг гуноҳларимизни мағфират қил, қилган ёмонликларимизни (саҳифа амалимиздан) ўчиргил ва бизларни яхшилар билан бирга ўлдир! Парвардигоро, бизларга пайғамбарларинг орқали ваъда қилган нарсаларингни ато қил ва бизларни қиёмат кунида расво қилмагил! Албатта Сен ваъдангга ҳилоф қилмагайсан». Бас, Парвардигорлари уларнинг дуоларини ижобат қилиб, (деди:) «Албатта Мен сизлардан бирон амал қилувчи эркак ё аёлнинг амалини зое қилмайман. Зеро, бировингиз бировингиздандирсиз. (Яъни, эркак аёлдан, аёл эркакдан дунёга келган). Бас, ватанларидан хижрат қилган, диёрларидан кувилган, Менинг йўлимда азиятлар чеккан ва (Менинг йўлимда) жанг қилиб, қатл этилган зотларнинг қилган гуноҳларини ўчиргайман ва уларни Аллоҳ ҳузуридан савоб - мукофот қилиб, тагларидан дарёлар оқиб турадиган боғларга киритурман. Ва энг гўзал савоб - мукофот Аллоҳнинг ҳузуридадир». Сизни кофирларнинг шаҳарларда кезишлари алдаб қўймасин. (Бу елиб югуриш, ғолибона кезишлар) озгина матодир. Сўнгра жойлари жаҳаннам бўлгай! Нақадар ёмон жой у! Аммо Парвардигорларидан қўрққан зотлар учун Аллоҳ ҳузуридан зиёфат бўлмиш - тагларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар бордирки, улар бу боғларда абадий колажаклар. Яхшилар учун Аллоҳ ҳузуридаги нарса (яъни, савоб-ажр кофирларнинг м uaққат кайф-сафоларидан)



афзалроқдир. Албатта аҳли китоб ичида Аллоҳга ҳамда сизларга нозил қилингандар ва ўзларига нозил қилингандар нарсаларга иймон келтиручи, Оллоҳга итоат қилиб бош эгувчи, Аллоҳнинг оятларини озгинага қийматга сотиб юбормайдигандар зотлар ҳам бор эканлиги аниқ равшандир. Ана ўшалар учун Парвардигорлари ҳузуридан ажру савоб бордир. Албатта Аллоҳ тезда ҳисоб-китоб қилувчи зотдир. Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру-тоқат қилишда (коғирлардан) устун бўлингиз ҳамда доимо (кураш-жиход учун белингиз боғлик ҳолда) ҳозир бўлиб туриңгиз! Ва Аллоҳдан қўрқингизким, (шунда) шояд нажот топгайсизлар. (Оли Имрон: 190-200).